

У зотнинг туғилишлари билан олам раҳматга тўлди



11:52 / 23.04.2025 1825

Аллоҳ таоло Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни махлуқотларга раҳмат ўлароқ юборган кундан афзалроқ хурсандчилик борми?!

Ким Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллудлари билан шодланмаса, асло шодлик, хурсандчилик кўрмайди.

У зотнинг туғилишлари билан раҳмат булоқлари отилиб, олам раҳматга тўлди. Шунинг учун ҳам, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мавлидлари Аллоҳ таолонинг неъматини нишонлаш ва бу юксак иноятдан хурсандчилик байрами бўлган.

Бу байрамни ушбу неъматларнинг қадрини билган, уни бардавом ва зиёда бўлишини умид қилган кишилар нишонлайди...

Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни башариятга қандай севишни ўргатиш учун юборган...

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга чин муҳаббат қўювчи кишини суннатга фақат тўғри эргашаётганини, бидъатчини эса (амали каби) муҳаббати ҳам нуқсонли эканини кўрасиз.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мавлидлари билан мўмин кишигина қувонади.

Мўминлар ушбу мунаввар ойни Ҳабибимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мавлидлари муносабати билан хурсандчиликда ўтказадилар. Зеро, мавлиди шариф оyi хурсандчилик қилиш, меҳр-муҳаббат кўрсатиш, яхшилик, эҳсон-садақалар қилиш ойидир.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббат қўювчи ҳар бир киши бу ой келишидан аввал тайёргарлик кўриб, ой давомида имкон қадар улўф неъматга шукронаси, шодлигини изҳор қилишга интилан.

Солиҳ кишилар мавлидни нишонлашга моддий имкон тополмасалар, ҳеч бўлмаса бу ой давомида шомдан кейин тонг отгунча йўлни ёритиб туриши учун чироқларини ёқиб деразаларига қўйиб қўяр эканлар.

Онам Аллоҳ раҳмат қилсин бобоси шайх Мустафо ҳақида шундай дер эди: «Бобом Рабиъул аввал ташрифидан бир неча ой аввал тайёргарликни бошлаб юборарди. Аслида бобом давлатманд эмасди, лекин ҳолатини бировга билдирмас, аксинча унинг яхши амаллари, зикр мажлиси, меҳмондорчилиги сабабидан уйимиз баракага тўлиб кетарди.

Мавлид оyi арафасида жонлиқ сўйиб, пулларини жамғариб қўяр, бу ой кириши билан бир жарчи қишлоқ чор атрофида баланд овозда: «Ким егуликка, кийим-кечикка эҳтиёжи бўлса шайх Мустафонинг уйига борсин!» деб айланиб чиқарди. Қишлоқдаги ёш болалар унинг ортидан қувонч билан чопқиллашарди.

Шайх Мустафонинг ҳовлиси боғ-роғлари бор, безатилган баланд қаср эмас, балки лойдан қурилган қишлоқдаги оддий уйлاردан эди. Чунки бу уй эгаси топганини тупроққа сарфлашнинг ўрнига тўғри Аллоҳ таоло йўлида ишлатиб, фойдаси аниқ бўлган тижоратни афзал кўрар эди.

Кечки пайт шайх Мустафонинг ҳовлисида чироқлар илиниб, одамлар тўпланишиб зикр, салавот, мадҳлар айтиларди.

Сўнгра таом тортилиб, бой-камбағаллар бирга хурсандчилик қилишарди. Унда баракани кўрардингиз. Фақир қалбидан эҳсон соҳиби ҳақиға Аллоҳдан кенгчилик сўраб дуо қилар, соҳиби эҳсон эса, Аллоҳ таолоға яқинлашишиға сабаб бўладиган шундай ишға муваффақ қилгани ва буни янада зиёда қилишини, ҳаёти давомида яхшилиқда бардавом этишини сўраб дуо қиларди.

Бу хайрли одат бошқа ҳамқишлоқларимиз хонадонида ҳам давом этарди.

Муҳаммад Холид Собитнинг «Тарихул ихтифол бимавлидин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Муҳаммад Зариф Муҳаммад Олим тайёрлади.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 4 мартдаги 03-07/1462-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.